



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIJ VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

**BOSHLANG'ICH TA'LIMGA
RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI
TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY
TENDENSIYALARI VA
RIVOJLANISH OMILLARI**

XALQARO ILMIIY-AMALIIY ANJUMANI

MATERIALLARI



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ФАКУЛЬТЕТИ
БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

**ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йил, 1 -2 апрель

БУХОРО - 2021

НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

С.С.Авезов,

БухДУ доценти,

филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: Навоий ижоди, фольклор, анъана, культ, жанр, урф-одат, инонч, бадиий маҳорат, афсона, ривоят, масал, мақол, лоф, латифа, атама.

Ключевая слова: творчества Навои, фольклор, традиция, культ, жанр, обычай, доверять, художественное мастерство, легенда, предание, басня, пословица, преувеличение, анекдот, термин.

Keywords: Navoi's work, folklore, by tradition, genre, customs and traditions, faith, eternal skill, legend, folktale, fable, proverb, exaggeration, joke, term.

Буюк мутафаккир шоир А.Навоий ижодида санъат, балки фольклор жанрлари, образлари, қадимий урф-одатлар, турли-туман культлар, эътиқодий тасаввур инончлардан ҳам фойдаланилган. Навоий ижодида фольклор анъаналарини тадқиқ этиш, бу соҳада шоир маҳоратини ўрганишга ўтган асрнинг биринчи ярмиданок киришилган эди. Айниқса, М.Шайхзода [4] шоир ижодида халқ кўшиқларидан фойдаланишнинг ўзига хослига адабиётшунос олим Н.М Маллаев[5] фольклоршунос олим М.Алавия[6] олим М.Афзалов [7], М. Ҳақимовлар[8] Навоий ижодида фольклор анъаналари, ундан ижодий таъсирланиш, шоир бадиий маҳоратининг кўрсатган ижодий хусусиятлари хақида қарашлари баён этилган.

Ана шундай йирик ижодий муносабат фольклоршунос олим, профессор О.Сафаровнинг тадқиқотида ҳам кўзга ташланади. [9] Энг аввало, олим А.Навоийнинг фольклоршунос олим сифатида амалга оширган хизматларини эътироф этади. А.Навоийнинг бевосита саъй-ҳаракатлари билан фольклор жанрига дахлдор бўлган дoston(ир), афсона, қисса, латифа, ривоят, мазах, масал, мақол, лоф, чўрчак(чўпчак), нақл, ўзмоғ, кўшуғ, чинка, ўланг, кўғирчоқ ўйини турини англатувчи “Фонус хаёл” каби атамаларнинг илмий тавсифини яратганни изоҳлайди.

Улуғ шоирнинг қутлуғ ишларидан бири шуки, халқ ижодкорлари ва ижрочилари ихтисослашганлигини эътироф этади. Улар- йировлар, ўзонлар (кўбизчи), ровийлар, нокиллар, авсунпардозлар, дostonсаролар, қиссасозлар, қиссахонлар, хаззолар(ҳазилкашлар) боздағўйлар(латифағўйлар), гўяндалар, навҳогарла, навогўйлар каби ижодкорлар эканлигини баён этади.

Олим А.Навоийнинг ўзбек халқи мавсум ва маросим кўшиқлари табиатида оид назарий қарашларини “Мезон- ун авзон” баён этганини далиллаб, бу соҳада фольклоршуносликка асос солганини айтади. Асарда тўйда ота-онасиникидан кузатар пайтида айтиладиган “Чанги”, “Ёр-ёр” кўшиқларининг истилоҳи хусусида маълумотлар келтирилган. Олимнинг эътирофича, бундай кўшиқ, ўланлар, ҳақиқатдан ҳам, “Саддий Искандарий” дostonида ижодий фойдаланганлигини таъкидлайди. Бу ёр-ёр Искандар ва Равшанакнинг никоҳ тўйлари васвига айтилган ўландир :

Муғанний тузиб чинга вазмида чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг
Десанг сенки: жон қардошим ёр-ёр!
Мен айтайки, мунглуғ бошим ёр-ёр

Навоий, чу сарманзилинг Чингадур
Сурудинг доғи сур аро чингадур.

Аёлгунг неча ёр-ёр ўлғуси,
Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси[3]

Олим О.Сафаров ўз мақоласида ўзбекларнинг буди-будои” халқ маросим қўшиғи “Сув хотин, сувсиз хотин” деб номланиб, қурғокчилик пайтида ёмғир ёғишини истаб айтиладиган қўшиқ саналган. Бу қўшиқ аслида генетик жиҳатидан Усмонли турклар орасида яратилган бўлиб, ўзбеклар орасида “Суст хотин” номи билан айтилаётгани эътироф этилган. Бу маросим қўшиғи профессор Б.Саримсоқов томонидан атрофлича илмий тадқиқ этилган. [10] Олим “Суст хотин” маросим қўшиқларининг бир неча локал вариантлари мавжудлиги, унинг тарихий асоси “Авесто”да ҳам битилганлигини эътироф этади. Бинобарин, Навоийнинг ҳам ушбу халқ қўшиғи табиатини очишдаги қарашлари фольклоршунос олим тадқиқи билан уйғунлиги кўзга ташланади.

Филология фанлари доктори, М.Жўраев, филология фанлари номзоди М.Нарзукуловлар ҳам Навоий ижодига мифларнинг таъсири, мифологик образлар мотив ва деталларнинг мавжудлиги кенг татбиқ этилган. Олим М.Жўраевнинг талкинича: “Улуғ шоир Навоий асарларида генетик илдизлари ўзбек мифологиясининг қадимий қатламларига бориб тақалувчи поэтик тимсоллар ва образлар силсиласига бутун бир тизми мавжуд”. [11:926] Шу асосда мифологизмларнинг 4 турга хос тарихий асослари тадқиқ этилган:

1.Қадимги туркий қавмларининг мифологик қарашлари ва эътиқодий ишончларига бориб тақалувчи мифологизмлар. Олим томонидан шоир ижодига кенг қўлланган тўққиз фалак, яда тоши, ҳаёт дарахти, жон қуши, ҳаёт суви каби поэтик тимсолларнинг туркий мифологиядан асарга ўтганлиги шунингдек, қуёш, ой, шамол, қуюн, чақин каби поэтик образлар бадиий талкинида мифологик тасаввур ва тушунчаларнинг мавжудлиги далилланган.

2.“Авесто мифологияси” ва уланинг навоий асарларидаги талкинида эзгулик ва ёвузлук кучлари билан боғлиқ мифологик образлар: Ахурамазда, Ахриман, Захҳок, дев, пари, Жамшид, Девераст, Каюмарс, аждар, Семурғ, Девбатларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

3.Исломиий эътиқодлар билан мифологик тасаввурлар ва афсоналарнинг поэтик кўчими натижасида юзага келган мифологизмларнинг Алишер Навоий асарларидаги Кўҳи қоф, Боғи Эрам, анков, азроил, дўзах, беҳишт каби образлари мазмуни ва тадқиқи берилган.

4.Халқимизнинг ўрта асрларда яратилган афсоналари ва асотирлари таъсирида юзага келган Авж ибн Унуқ, Қақнус, Самандар, Хумой каби мифологик образлар ва деталларнинг Алишер Навоий асарларида поэтик ифодаси талкин этилган. [11:92-123]

Бундан ташқари, китобда олима М.Нарзикулованинг “Хамса”даги “Сабъай сайёр” достонида учрайдиган мифологик образлар талкини ҳам ёритилган. [11] Достондаги бодпо, какнус, хумо, жонқушининг чибн янглиғ бўлиш каби мифологик образ ва деталлари мазмуни ёритилган. Асарда яна “Аланқува” афсонаси ҳам келтирилган бўлиб, бу афсона Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” Абулғозийнинг “Шажжораи турк” асарларида ўзига хос тарзида баён

этилиши ўрганилган. Шунингдек, “Сабъаи сайёр достонида” Лоту, Монот, Лоту Уззо (араблар чўкинадиган бутларнинг номи) деб изоҳланган. Аслида лот, Манот ва Уззо образлари исом асотирлари замирида ўрта осий мифологиясида кириб келган бўлиб, улар исломиятдан олдинги мушриклар сиғинган маъбудаларнинг атамаси саналган.

Олима “Сабъи сайёр” достонидаги Хизр мифологик образ талқинига ҳам атрофлича ёндашади. Хизр тириклик сувини топиб ичган, абадий барҳаётликка эришган образ. Шу тарзда у халқ афсоналарига кишиларга ҳомийлик қилувчи, яхшилик кўрсатувчи одамларни ҳардоим қўллаб-қувватловчи пир ёки азиз авлиёлардан бири сифатида намоён бўлиши айтилади. Бундан ташқари, асарда фольклорга хос бўлган мотив ва деталларнинг дostonда мавжудлиги кенг таҳлил этилган. Чунончи, Баҳромнинг Моний чизган сурат туфайли Дилоромга ошиқ бўлиб қолиши, ёхуд учунчи иқлим йўлидан келтирилган мусофир ҳикоясида миср шаҳрилик Саъд жасорати тасвирланади. У ёвуз кучларни енгади, ғаройиб тимсилларни очади, ёвузлик тимсоли бўлган қатрон девни енгади. Шунингдек асарда туш мотиви ҳам тасвир этилган. Дostonнинг 20- бобида Фаррух севгилисини тушида кўриб ошиқ бўлиб қолиши фольклористик детал асосида тасвирланган. [11;160-171]

Аслида Алишер Навоий “Хамса”сига киритилган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъи сайёр” дoston қахрамонлари халқ томонидан яратилган афсона, ривоят, эртақ ва дoston вариантлари асосида юзага келган. Улар мазмун ва композиция жиҳатидан фарқ қиладиган халқ асарларидир. [5;512-514-532]

Олимлар М.Жўраев ва М.Нарзукуловлар “Хамса” дostonига киритилган дostonлар таъсирида халқ китобларининг яратилгани хусусида атрофлича фикр мулоҳазалар билдиришган. Бундай халқ ижодкорлиги Алишер Навоий ижодига чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси боис эканлиги далиллар асосида эътироф этилган. Масалан, XX, аср бошида юзага келган ва Мирмаҳдум томонидан китобат қилинган “Насри”Хамсаи беназр, Маҳзум томонидан яратилган “Қиссаи шаҳзода Фарҳоду Ширин”, “Китобу Лайли ва мажнун”да шоир дostonларининг тўлиқ насрий баёнлари келтирилган. Худди шунингдек, бахши Фозил Йўлдош ўғли томонидан ёзиб олинган “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом” дostonлари ҳам бевосита Алишер Навоий асарлари сюжет ва мотивлари асосида юзага келган фольклор намуналари эканлиги эътироф этилган. Худди шунингдек, фольклор жанрлари саналган афсона, ривоят, эртақ ва дostonлардаги сюжет ва образларни мотив ва деталларни “Фарҳод ва Ширин” дostonида ҳам кўп учратиш мумкин. Чунончи, бош қахрамонлар образлари номи шоир томонидан халқ ривоятлари ва китобларидан олинган. Ундан ташқари “Ойнаи Искандарий”, Сукрот тоғи каби фольклорий деталлар ёки Сукротга етишиш йўлида Фарҳоднинг ёвуз дев ва аждарларни ўлдириши воқеаси тасвир этилган. Буларнинг барчаси дев ва аждар мифологик образлар саналиб фольклоршунос олим Ж.Эшонқулов уларнинг генетик асосини ўрганар экан, дев фақат ёвузлик кучи бўлиб қолмай, баъзан инсонларга ҳомийлик қилиши ҳам эътироф этилади. Фарҳод Сукрот тоғига келиб буюк файласуф Сукрот билан келиб учрашади. Бу йўлда Хизр мифологик образ ҳомий сифатида Фарҳодга

рахнамолик кўрсатади. Фарход ўз ҳаёти, келажаги ва ҳақиқий ишққа эга бўлиши каби сирларини билиб олади. [12]

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб” (Қалбга маҳмуб ҳикматлар ва ҳикоятлар) деб аталмиш умрининг сўнгги йилларида ёзган асарида ҳам фольклор жанрларидан ҳам мақол ва ҳикматлар ҳам жуда катта ўрин эгаллайди. Бу асар 2018 йилда олимлар Абдумурод Тилавов ва Иброҳимжон Саидуллаев томонидан ўзбек тилига таъдир этилиб нашр этилган. [2] Асарда келтирилган ҳар бир ҳикоят ва танбехлардаги фикрлар ҳикмат даражасига кўтарилган. Бундай ҳикмат ва танбехларнинг замирида халқ оғзаки ижоди намуналари-ҳикмат, мақол ва нақлларнинг қўлланиш ўрни гоҳ айнан, гоҳ узлаштириб, истифода этилиши бадиий асарнинг қимматини янада оширган. Асар аслида ёшларга қарата битилгандек туюлади, ҳаётда дуч келадиган ноинсоний инсонлардан одатлардан воз кечишга даъват этилади. Чунончи 85- танбехда нодонлик ва хайвонларга хос одат танқид қилинган.

Оз сўзламоқ ҳикматга сабаб, оз емоқ-соғлиққа сабаб.

Оғзига келганни демоқ, нодоннинг иши ва олдига келганни емоқ хайвоннинг иши.

Байт:

Кўп демоқ бирла бўлмоғил нодон

Кўп емоқ бирла бўлмоғил хайвон [1;120]

Шундай қилиб, асарда шоир юзлаб халқ мақолларидан фойдаланадики, ҳатто унинг ўзи томонидан яратилган ҳикматлар ҳам халқ мақолларига айланиб кетади: Масалан: “Ёмон билан яхшида кўп фарқдур, икки кеманинг учини тутган фарқдур”, “Тилинг билан кўнглингни бир тут”, “Ўзи поку дили покни инсон деса бўлур” каби мақол ва нақллар шулар жумласидандур.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий ижоди маҳорати бадиий санъат, тасаввуфна рух ва қарашдан иборат бўлиб қолмай, балки фольклор жанрлари: афсона ва ривоят, астирлар, мақол ва нақллар, шунингдек фольклор образлари мавсум ва маросимлари мотив ва деталлари билан ҳам юксаклик касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Навоий. МАТ. 20 томлик, Тошкент, “Фан”. 1998,120-122-б.
2. А.Навоий Маҳбуб ул қулуб (Қалбга маҳбуб ҳикматлар ва ҳикоялар) Тошкент, Sano standart, 2018, 192-б.
3. А.Навоий “Ҳамса” ЎзФА нашрети, 1958,778-б. Олим П.Шамсиев нашри
4. Шайхзода М. “Кўшиқлар ҳақида” Ўзбекистон маданияти“ 1964, 4-июль
5. Маллаев Н. А.Навоий ва халқ ижодиёти Т, 1974, яна Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Т: “Ўқитувчи “ 1980
6. Алавия М. Навоий ғазалларида халқ таъбирлари “Шарк юлдузи”, 1968, 8-сон, 203-208б
7. Афзалов М. Навоий ҳақида халқ афсоналари “Шарк юлдузи” 1948, 5-сон
8. Ҳакимов М.А. Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. Т, Фан 1975
9. Сафаров О. Халқ ганжинасига меҳр. Навоийга армуғон, НТДПУ, Т, 2006, 5-китоб, 28-39-б
10. Саримсоқов Б. “Ўзбек маросим фольклори” ЎзФА “Фан “1986, 11-б
11. Жўраев М, Нарзуқулов М. Миф, фольклор ва адабиёт А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Тошкент, 2006 й. 183б.
12. Эшонқулов Ж. Фольклор образ ва талқин. Қарши “Насаф”1999, 12б

<i>Тешабоев А.Ю.</i> Современные подходы к физическому развитию детей дошкольного возраста	490
<i>Cho'liyyeva G.T., Fayziyeva D.T.</i> Ot so'z turkumini o'rganishda o'quvchilarning so'z boyligini oshirish imkoniyatlari	492
<i>Акрамов А.Ш.</i> Новый подход изучения отношения к здоровому образу жизни	494
<i>Гафоров Ш.У.</i> Современные технологии формирования и развития здорового образа жизни личности	498
<i>Ubaydullayeva Sharofat.</i> Boshlang'ich sinf matematika darslarida o'quvchilarning tafakkurini rivojlantirish	502
<i>Saidova M.J., Aminjonova G.</i> Boshlang'ich sinf matematika darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanishning didaktik tamoyillari	504
<i>Saidova M.J., Elova M.</i> Harakatga oid masalalarni axborot texnologiyalar asosida tushuntirish metodikasini takomillashtirish	507
<i>Jumaniyozova Muhabbat Xo'sinovna.</i> boshlang'ich ta'lim hikoya o'qish darslarida insoniy fazilatlarini singdirish	512
<i>Авезов С.С.</i> Навоий ижодида фольклор аънаналари	514
<i>Рустамова Гавҳар Баҳрон қизи, Шойимкулова Мадина.</i> Бошланғич синф ўқитувчисининг ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенциявий фаолияти	518
<i>Hakimov F.N., Qosimova A.F.</i> Boshlang'ich sinflarda kreativ qobiliyatlarini shakllantirishning psixologik xususiyatlari	521
<i>Садуллаева М. Г., Квитко Фаина.</i> Современные приемы обучения написанию сочинений в начальных классах	524
<i>Rustamova Gavhar Bahron qizi.</i> O'zbek xalq qo'shiqlarida mevali daraxtlarning obrazlantirilishi	526
<i>Адиба Бахронова.</i> Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини дарсдан ташқари тарбиявий фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш йўллари	528
<i>Dilova Nargiza Gaybullayeva, Raxmatullayeva Nilufar Komiljonovna.</i> Sinfдан tashqari o'qishda pedagogik texnologiyalarni qo'llash mazmuni	534
<i>Xalikova Umida Mirovna.</i> Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim integratsiyasida raqamli texnologiyalarning o'rni	538
<i>Azimova U. L.</i> Boshlang'ich sinf matematika darslarida innovatsion usullar orqali o'quvchilarning og'zaki hisoblash ko'nikmalarini baholash yo'llari	543
<i>Raxmonova M. M.</i> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida interfaol usullar bilan ishlashning nazariy asoslari	548
<i>Rustamova Sh.S.</i> Boshlang'ich sinf o'qituvchisining metodik-matematik tayyorgarligi ta'lim sifatining kafoloti	550
<i>Safarova N.K.</i> Boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitishda vaqtdan unumli foydalanish ularda hayotiy kompetensiyalarni shakllantirish omili	553
<i>Chòliyyeva S.S.</i> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	558
<i>Qalandarova S.</i> Savod o'rgatish davrida interfaol metodlarni qo'llash orqali o'quvchilar faolligin ioshirish	561
<i>Shokirova S.Z.</i> Boshlang'ich sinf o'qish darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	564
<i>Shukurova L.S.</i> Boshlang'ich sinf matematika darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish	566
<i>Файзуева У.</i> Экологик тарбия маданиятини ривожлантириш ва шакллантириш муаммолари	568